

Давлат фуқаролик хизматчилари учун навбатдаги “Сиёсий-маърифат соати” бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ҳафтанинг жума кунлари доимий равишда ўtkазиб келинаётган давлат фуқаролик хизматчилари учун сиёсий-маърифий ўқув соатининг навбатдаги сони ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги студиясидан аппарат ходимлари, алоқадор туман ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Сиёсий-маърифий соатининг бу галги сонида спикерлар ҳафта давомида қабул қилинган долзарб норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, Ёшлар форуми – 2021, давлат хизматчиларининг этикаси мавзуларига тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, ўқув соатида Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Навбатдаги ўқув соатини Агентликнинг ilm.argos.uz платформаси ҳамда [YouTube](#) расмий саҳифаси орқали томоша қилишингиз мумкин.





